

3. Gary S. Becker, Tomas J. Philipson and Rodrigo R. Soares *The American Economic Review* Vol. 95, No. 1 (Mar., 2005), pp. 277-291 (15 pages). Published By: American Economic Association
4. Stone AA, Mackie C, eds. Panel on Measuring Subjective Well-Being in a Policy-Relevant Framework; Committee on National Statistics; Division on Behavioral and Social Sciences and Education; National Research Council. *Subjective Well-Being: Measuring Happiness, Suffering, and Other Dimensions of Experience*. National Academies Press; 2013. doi:10.17226/18548
5. *Stockton v. Williams*, 1 Doug. (Mich.) 546, 570 (1895); *Kirkendall v. City of Omaha*, 39 Neb. 1, 6, 57 N. W. 752, 754 (1894); *Aymette v. The State*.
6. Spatz E.S., Beckman A.L., Wang Y., Desai N.R., Krumholz H.M. Geographic variation in trends and disparities in acute myocardial infarction hospitalization and mortality by income levels, 1999-2013. *JAMA Cardiol.* 2016; 1(3): 255-265. doi:10.1001/jamacardio.2016.0382 ArticlePubMedGoogle ScholarCrossref
7. NEW STANDARD DICTIONARY.
8. Patel S.A., Ali M.K., Narayan K.M.V., Mehta N.K. County-level variation in cardiovascular disease mortality in the United States in 2009-2013: comparative assessment of contributing factors. *Am J Epidemiol.* 2016; 184 (12): 933-942. doi:10.1093/aje/kww081PubMedGoogle ScholarCrossref
9. Попов Е.А. Социальное благополучие человека в научном дискурсе. // Социология в современном мире: наука, образование, творчество. 2010. № 2. С. 16-23.
10. Kim E.S., Kubzansky L.D., Smith J. Life satisfaction and use of preventive health care services. *Health Psychol.* 2015; 34 (7): 779-782. doi:10.1037/hea0000174PubMedGoogle ScholarCrossref
11. *Kirkendall v. City of Omaha*, 39 Neb. 1, 6, 57 N. W. 752, 754 (1894), cited note., supra, quoted, *Spokane Traction Co. v. Granath*, 42 Wash. 506, 512, 85 Pac. 261, 264 (1906), cited note 4, sup
12. Кадиоров А.А. Национальные инновационные системы и их региональные аспекты. – Т.: Yangi asr avlodi, 2011 г. – 192 с.
13. Константинов Г.Н., Филонович С.Р. Университеты, общество знания и парадоксы образования. // Вопросы образования, 2005. 4. С. 106-126.
14. Карпенко М. Новая роль высшего образования в эпоху развития инновационной экономики, глобализации и депопуляции. // Знание. Понимание. Умение, 2007. № 4. С. 31-39.
15. *Population Health and Economic Growth* David E. Bloom David Canning. WORKING PAPER NO. 242008 The International Bank for Reconstruction and Development. / The World Bank On behalf of the Commission on Growth and Development 1818 H Street.
16. *JAMA Cardiol.* 2016; 1(3): 255-265. doi:10.1001/jamacardio.2016.0382 ArticlePubMedGoogle ScholarCrossref
17. NW Washington, DC 20433 <https://openknowledge.worldbank.org/server/api/core/bitstreams/4e2a9443-7596-5003-88c6-ebc8379a49f7/content>
18. *The Quantity and Quality of Life and the Evolution of World Inequality*. Becker G.S., Philipson T.J., Soares R.R. *Am Econ Rev.* 2005 Mar; 95(1): 277-91. doi: 10.1257/0002828053828563.PMID: 29120118
19. Шодиев Т. Качественные векторы экономического развития. Методологические вопросы разработки стратегий долгосрочного развития. // Материалы в Форума экономистов. – Т., 2013. С. 21-26.
20. <https://uz.sputniknews.ru/20210810/uzbekistan-zanyal-42-mesto-v-reytinge-schastlivyx-stran-obognav-sosedey-20022256.html>
21. <https://stat.uz/uz>



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ  
ЎЗГАРИШИНИ ЭКОНОМЕТРИК БАҲОЛАШ

Миролимов Мирислом Миршокир ўғли  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети Статистика кафедраси  
катта ўқитувчиси, PhD

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss6/a13](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a13)

**Аннотация.** Халқаро майдонда рақобат жараёнларининг кучайиши шароитида меҳнат бозорини самарали ривожлантириш, ишчи кучи талаби ва таклифини ўзаро мувофиқлаштиришининг илмий-услубий ва ташкилий жиҳатлари ўрганилмоқда. Меҳнат ресурслари кўп бўлган ҳудудларда бандлик даражасини ошириш ва янги иш ўринлари яратиш, ўзини-ўзи бандлик тизимини такомиллаштириш, қишлоқларда яшовчи аҳолининг доимий бандлигини таъминлаш, вилоят аҳолисини янги касб-ҳунарларга ўргатиш, “яшил” иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган ва янги иш ўринларини яратиш, меҳнат бозорида инклюзив бандликни қўллаб-қувватлаш каби “яшил” масалалар замонавий иқтисодиётнинг долзарб масалаларидандир.

**Калит сўзлар:** меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, иш билан бандлик, ишсизлик даражаси, меҳнат ресурслари тақсимланиши, “яшил” иқтисодиёт, “яшил” касб, “яшил” бандлик.

## ЭКОНОМЕТРИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ПЕРСПЕКТИВНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ НА РЫНКЕ ТРУДА В ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

**Миролимов Мирислом Миршокир ўғли**

Старший преподаватель кафедры Статистики  
Ташкентского государственного экономического университета PhD

**Аннотация.** Научно-методические и организационные аспекты эффективного развития рынка труда и взаимной координации спроса и предложения рабочей силы исследуются в условиях усиления конкурентных процессов на международной арене. Повысить уровень занятости населения в регионах с высокой численностью трудовых ресурсов и создать новые рабочие места, усовершенствовать систему самозанятости, обеспечить постоянную занятость населения, проживающего в сельской местности, подготовить в регионе новых профессий, отвечающих требованиям зеленой экономики, а также создание рабочих мест, поддержка инклюзивной занятости на рынке труда являются одними из актуальных вопросов современной экономики.

**Ключевые слова:** трудовые ресурсы, рынок труда, занятость, уровень безработицы, распределение трудовых ресурсов, “зеленая” экономика, “зеленые” профессии, “зеленая” занятость.

## ECONOMETRIC ASSESSMENT OF PROSPECTIVE CHANGES IN THE LABOR MARKET IN TASHKENT REGION

**Mirolimov Mirislom Mirshokir ugli**

Tashkent State University of Economics  
Senior lecturer of the department of statistics PhD

**Abstract.** Scientific, methodological and organizational aspects of the effective development of the labor market and mutual coordination of labor supply and demand are studied in the context of increasing competitive processes in the international arena. To increase the level of employment in regions with a high number of labor resources and create new jobs, improve the self-employment system, ensure permanent employment for people living in rural areas, prepare the population to create new professions in the region that meet the requirements of a green economy, as well as create jobs, support for inclusive employment in the labor market is one of the pressing issues of the modern economy.

**Key words:** labor resources, labor market, employment, unemployment rate, distribution of labor resources, green economy, green professions, green employment.

**Кириш.** Меҳнат бозорининг ҳолати нафақат иқтисодиётдаги умумий вазиятни, балки иқтисодий тизимни мос баҳолашни талаб қилувчи объектларнинг чуқурроқ, ҳар тарафлама ва кенг қамровли таҳлил қилиш натижа-сида умумтизим тавсифларини акс эттиради. Меҳнат бозорининг ҳолатини прогноз қилиш учун иқтисодий тизимда ўрин тутувчи барча муҳим омиллар ва ўзгаришларни комплекс тарзда ҳисобга олиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 28 апрелда қабул қилинган, Сенат томонидан 2020 йил 7 августда маъқулланган “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун-ида ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ва иш топишда қийналаётган ҳамда меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган, банд бўлмаган аҳоли, бўш иш ўринлари миллий базаси, ишсизлик, ишсизлик нафақалари, иш қидираётган шахс, касбий малака ва

билимларни ривожлантириш миллий тизими, касбий стандарт, малакани баҳолаш, меҳнат ресурслари, меҳнат ресурслари баланси, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари, “ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси ва аҳолини иш билан банд қилиш соҳасини тартибга солиш борасида бир қатор устувор вазифалар белгилаб олинган ва ҳозирги кунда ушбу дастурлар юзасидан қатор вазифалар амалга оширилмоқда [1].

2022 йил Тошкент вилоятида ишсизлик даражаси 8,8 фоизни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 1,7 фоизга камайган. 2022 йилда меҳнат ресурслари сони 1,6 млн. кишини ташкил этиб, 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 0,5 фоизга ёки 7,6 минг кишига ошган. Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони 1,2 млн. кишини ташкил этиб, мос даврига нисбатан 2,2 фоизга (26,5 минг кишига) ошган. Расмий секторда банд аҳоли сони 218,5 минг кишини ташкил қилиб, 2020 йилнинг шу даври-

га нисбатан юридик шахсларда банд бўлганлар сони 7,4 фоизга ёки 15,1 минг кишига ошган. Норасмий секторда банд бўлганлар сони 1003,6 минг кишини ташкил этиб, жорий йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 3,1 фоиз ёки 29,9 минг кишига кўпайган. Ишга жойлаштиришга мухтож бўлганларнинг вилоят бўйича умумий сони 116,9 минг кишини, ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳоли орасида 8,8 фоизни ташкил этди. 16-30 ёшга ча бўлганлар орасида ишсизлик даражаси 14,9 фоиз, аёллар орасида ишсизлик даражаси 12,8 фоизни ташкил этган. 2022 йил Тошкент вилоятида иқтисодий нофаол аҳоли 1222,1 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,2 фоизга ёки 26,5 минг кишига ортиши кузатилди. Маълумотларни таҳлил қилиш натижасидаги ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, 2022 йилнинг январь-март ойларида Тошкент вилоятида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми жорий нархларда 18 884,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2021 йилнинг мос даври билан таққослаганда, 8,1 %га ўсди. ЯИМ дефлятор индекси 2021 йил январь-март ойларидаги нархларига нисбатан 115,5 %ни ташкил этди.

**Адабиётлар шарҳи.** Маҳаллий тадқиқотчилар Г.К.Абдурахманова ва Ш.Р.Холмуминов[2] меҳнат бозори инфратузилмаси ва унинг таркибий қисмлари ўзаро узвий боғлиқлигини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиб, уни ривожлантириш самарадорлигини комплекс баҳолаш ва истиқболлаштириш услубияти ҳамда давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналишларини аниқлаганлар. Шунингдек, меҳнат бозорини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг стратегик концепцияси ишлаб чиқилган.

А.Э.Котляр меҳнат бозори субъектларининг иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришда анча тор ёндашувда бўлган [3]. Бундай ёндашув меҳнат бозорини ишдан озод бўлган меҳнатга лаёқатли шахслар билан чеклайди, бундай кишилар муайян вақтларда ўқишдан ёки ишдан бўш бўлиб, ишсиз қоладилар ва бошқа иш жойи қидираётган ёки биринчи марта меҳнат фаолиятига киришаётган бўладилар. Бундай назария намояндалари меҳнат бозорини одамнинг меҳнат қилишга бўлган қобилиятини айирбошлаш бўйича келишув жараёни билан чегаралайдилар ва бу қобилиятдан фойдаланиш меҳнат бозоридан

ташқарида, меҳнат жараёнида рўй беради, деб таъкидлашади.

Россиялик иқтисодчи олим В.А.Павленков[4] ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Қ.Х.Абдурахмонов[5] меҳнат бозори субъектларининг иқтисодий манфаатларини кенгайтирилган ҳолда талқин қилишни мақбул кўрадилар.

Н.Тарасова “Трудовые отношения в условиях глобализации и технологической революции” номли мақоласида ахборот ва коммуникацион технологияларнинг иқтисодийнинг деярли барча соҳалари ва тармоқларига улкан ва глобал миқёсда ҳамда ҳар қандай тармоқ ёки хизматларга тегишли фирмаларнинг ҳар бир функциясига таъсир кўрсатишини илмий жиҳатдан асослаб берган [6].

Профессор Ш.Р.Холмуминов ва Н.У.Арабовнинг “Меҳнат бозори инфратузилмаси” номли ўқув қўлланмасида меҳнат бозори инфратузилмаси ва унинг таркибий қисмлари ўзаро узвий боғлиқлиги илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, уни ривожлантириш самарадорлигини комплекс баҳолаш ва истиқболлаштириш услубияти ҳамда давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари аниқланган. Шунингдек, меҳнат бозорини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг стратегик концепцияси ишлаб чиқилган [7].

Уларнинг фикрига кўра, ҳозирги вақтда банд бўлган ишчи кучи бутунлай истеъмол қилинган ва бозордан чиқиб кетган деб ҳисобланиши мумкин эмас. Ишлаб чиқариш жараёни бандлик шартини узлуксиз ўзгартириб туради, ходимларнинг ҳудудий ёки касбий ҳаракати, меҳнатга ҳақ тўлаш борасидаги лавозим ва ҳоказо масалалар вужудга келади. Меҳнат бозорининг моҳиятини ифодаловчи ходимлар билан иш берувчилар ўртасида қарор топадиган ишчи кучини сотиш-сотиб олиш муносабатлари ходимлар ишга жойлашгандан кейин ҳам давом этади.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада илмий мушоҳада, тизимли ёндашув, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларида фойдаланилди. Жаҳондаги мавжуд усул ва ёндашувлар таҳлилларига асосланиб, минтақа меҳнат бозори ривожланиши эконометрик баҳоланди ва Тошкент вилояти меҳнат ресурсларининг истиқболдаги ўзгариш динамикаси прогнози амалга оширилди, шунингдек, уни ривожлантиришдаги муаммо ва камчиликлар

бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Тошкент вилоятида меҳнат бозори самарадорлигининг ундаги бандлар сонининг ошишини эътиборга олган ҳолда, юқорида таъкидлаб ўтилган фикр-мулоҳазалардан фойдаланиб, вилоятда иқтисодиётда бандлар сони –

Унинг натижавий омил сифатида ўзгаришига таъсир этувчи ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми –  $X_1$ , ишсизлик даражаси –  $X_2$ , вилоятдаги корхоналар сони –  $X_3$ , аҳоли жон бошига реал даромадлар –  $X_4$  ва ўртача номинал ҳисобланган ойлик –  $X_5$  омиллари танлаб олиниб, дастлаб уларнинг боғланиш коэффициенти аниқланди.

1-жадвал

**Тошкент вилоятида меҳнат бозори самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ўртасидаги корреляция коэффициенти**

	Y	X <sub>1</sub>	X <sub>2</sub>	X <sub>3</sub>	X <sub>4</sub>	X <sub>5</sub>
Y	1					
X <sub>1</sub>	0,885325	1				
X <sub>2</sub>	0,91434	0,695917	1			
X <sub>3</sub>	0,780487	0,787384	0,7319	1		
X <sub>4</sub>	0,791416	0,986938	0,70085	0,690457	1	
X <sub>5</sub>	0,790036	0,596833	0,71002	0,78761	0,580011	1

Манба: муаллиф илмий тадқиқот натижалари.

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, натижавий Y омилга нисбатан ишсизлик даражаси –  $X_2$  ( $r_{Y,X_2}=0,91434$ ) ва вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми –  $X_1$  ( $r_{Y,X_1}=0,885325$ ) кучли зичликда, вилоятдаги корхоналар сони –  $X_3$  ( $r_{Y,X_3}=0,780487$ ), аҳоли жон бошига реал даромадлар –  $X_4$  ( $r_{Y,X_4}=0,791416$ ) ва ўртача номинал ҳисобланган ойлик –  $X_5$  ( $r_{Y,X_5}=0,790036$ ) ўртачадан кучли зичликда боғланган бўлиб, танланган

омиллар ўртасида  $r_{x_1,x_2}<0,8$  шартига кўра мультиколлинеарлик мавжуд эмаслигидан кузатилаётган боғлиқлик ўртасида регрессия тенгламасини аниқлашни Eviews дастури орқали давом эттириш мумкин. Танлаб олинган омиллар ўлчов бирликлари турлича бўлганлиги боис омил кўрсаткичларини логарифмлаб, чизиқсиз тенгламани ҳосил қилиш билан бирга, унинг сифат мезонлари асосида текширилди.

2-жадвал

**Тошкент вилоятида меҳнат бозори самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ўртасидаги регрессия тенгламаси натижалари**

Dependent Variable: LNY  
 Method: Least Squares  
 Date: 11/25/22 Time: 20:47  
 Sample: 2000 2021  
 Included observations: 22

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LN <sub>X1</sub>	0.155714	0.046463	3.351355	0.0161
LN <sub>X2</sub>	-0.014672	0.005098	-2.877599	0.0366
LN <sub>X3</sub>	0.038714	0.013242	2.923577	0.0424
LN <sub>X4</sub>	0.044139	0.018365	2.403431	0.0463
LN <sub>X5</sub>	0.177632	0.068855	2.579798	0.0150
C	5.717162	0.341721	16.73049	0.0000
			$t_{jad}=2,119905299$	
R-squared	0.985935	Mean dependent var		7.020845
Adjusted R-squared	0.981540	S.D. dependent var		0.122287
S.E. of regression	0.016615	Akaike info criterion		-5.130020
Sum squared resid	0.004417	Schwarz criterion		-4.832463
Log likelihood	62.43022	Hannan-Quinn criter.		-5.059924
F-statistic	224.3144	Durbin-Watson stat		1.883188
Prob(F-statistic)	0.000000		$F_{jad}=0,3505808$	

Манба: муаллиф илмий тадқиқот натижалари.

Жадвал маълумотларида келтирилган коэффицентлар қийматларидан келиб чиқ-

қан ҳолда қуйидаги тенглама ҳосил қилинади:

$$\ln Y_1 = 0.16 \ln X_1 - 0.01467 \ln X_2 + 0.04 X_3 + 0.04 \ln X_4 + 0.18 \ln X_5 + 5.72$$

Аниқланган регрессия тенгламаси параметрларининг t-Statistic мезонлари бўйича аҳамиятлилигига эътибор қаратадиган бўлсак,  $\alpha=0,05$  ва  $df=16$  бўлган ҳолда  $t_{jad}=2,119905299$  га тенглигидан  $t_{his}>t_{jad}$  шарт қаноатлантирилгани учун барча параметрлар аҳамиятлилиги келиб чиқади. Логарифм хоссаларидан келиб чиққан ҳолда ва ҳисоб-китоб жараёнларини осонлаштириш ҳамда натижалар аниқлигига эришиш учун юқорида ҳосил [6] қилинган 1-регрессия тенгламаси потенцирлаб олинади ва унга кўра қуйидаги тенглама ҳосил қилинади:

$$Y = \frac{X_1^{0.16} \cdot X_2^{0.04} \cdot X_4^{0.04} \cdot X_5^{0.18} \cdot e^{5.72}}{X_3^{0.01467}} \quad (1^*)$$

Ҳосил қилинган 1\*-регрессия тенгламасининг ҳақиқатан аҳамиятлилиги  $\alpha=0,05$  ва  $k_1=16$ ;  $k_2=5$  бўлганда,  $F_{jad}=0,3505808$  га тенглигини эътиборга олган ҳолда ҳисобланган Фишер қиймати  $F_{his}=224,3$  тенглигидан  $F_{jad}<F_{his}$  шартга биноан 1\*-регрессия тенгламасининг аҳамиятлилиги ҳамда  $DW=1,88$  тенг бўлганлиги боис автокорреляция мавжуд

эмаслигидан тенгламанинг ишончли ва адекватлиги келиб чиқади.

Тошкент вилоятининг иқтисодиётда бандлар сонининг омиллар таъсирида ўзгаришини ифодаловчи, аниқланган

$$Y = \frac{X_1^{0.16} \cdot X_2^{0.04} \cdot X_4^{0.04} \cdot X_5^{0.18} \cdot e^{5.72}}{X_3^{0.01467}} \quad (1^*)\text{-регрессия}$$

тенгламаси ҳамда унга таъсир этувчи омиллар сифатида танланган ҳар бир омилнинг  $t=24$  га тенг бўлган ҳолати учун аниқланган:

Тошкент вилояти ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми -  $X_1=-6047.4+4008.9^* t$ ;

Вилоятдаги ишсизлик даражаси -  $X_2=15,7-0.3^* t$ ;

Вилоятда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони -  $X_3=2784,8+2159,6^* t$ ;

Аҳоли жон бошига реал даромадлар -  $X_4=-1086,8+717,1^* t$ ;

Ўртача номинал ҳисобланган ойлик иш ҳақи -  $X_5=26,4+119,8^* t$

тенгламалар тизимидан фойдаланган ҳолда, Тошкент вилоятининг иқтисодиётда бандлар сонининг кўп омилли прогноз натижалари аниқланади (3-жадвал).

3-жадвал

1-сценарий бўйича Тошкент вилоятининг иқтисодиётда бандлар сонининг кўп омилли прогноз натижалари

Йиллар	Иқтисодиётда бандлар сони, минг	ЯҲМ млрд. сўм	Ишсизлик даражаси, %	Корхоналар сони, бирликда	Аҳоли жон бошига реал даромадлар, минг сўм	Ўртача номинал ҳисобланган ойлик иш ҳақи, минг сўм
2023	1254,8	90166,2	8,8	54615	16123,6	2901,6
2024	1264,7	94175,1	8,9	56775	16840,7	3021,4
2025	1274,3	98184	8,9	58934	17557,8	3141,2
2026	1283,7	102192,9	8,9	61094	18274,9	3261,0
2027	1292,8	106201,8	8,9	63254	18992	3380,8
2028	1301,8	110210,7	9,0	65413	19709,1	3500,6

Манба: муаллиф илмий тадқиқот натижалари.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкин, Тошкент вилоятининг иқтисодиётда бандлар сонининг кўп омилли прогноз натижаларига кўра, 2027 йилда вилоятда иқтисодиётда бандлар сони 2023 йилга нисбатан 3,0 фоизга ошиб, 1292,8 минг кишига етиши кутилмоқда. Албатта, бундай ижобий натижага корхоналар сони 13,7 фоиз, аҳоли жон бошига реал даромадлар 15,1 фоиз ва ўртача номинал ҳисобланган ойлик иш ҳақининг 14,2 фоизга ошиши билан вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот

ҳажмининг 15,1 фоизга ўсиб, 106201,8 млрд. сўмга етиши билан эришилади. Ушбу жадвалда келтириладиган ишсизлик даражасига эътибор қаратадиган бўлсак, вақтга боғлиқ ўзгариши ҳисобидан Тошкент вилоятида ишсизлик даражаси 2028 йилда 9,0 фоизни ташкил этиши кутилаётганлигидан далолат беради.

**Хулоса ва натижалар.** Аниқланган моделга асосан таъкидлаш жоизки, бу борада вилоятда аҳолининг жон бошига ялпи ҳуду-

дий маҳсулот ҳажмининг ошиши катта роль ўйнаши, бу, ўз навбатида, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошиши ҳамда аҳолининг ўз-ўзини банд қилиши орқали кўпроқ даромад олишини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда, ишсизликни камайтириш, қонунчилик базасини тизимли равишда такомиллаштириш ва қонун устуворлигини ўрнатишни назарда тутувчи инвестиция муҳитини яхшилаш масаласига эътибор қаратиш лозим. Қулай инвестиция муҳитини яратиш ва инвестицион жозибадорлик даражасини ошириш механизмларини қўллаш бўйича Хитой Халқ Республикаси ва дунёнинг бошқа мамлакатлари томонидан намойиш этилган ижобий тажрибадан фойдаланиш мумкин. Хусусан, инвестиция сиёсати чора-тадбирларини шакллантиришга тармоқ ёндашувини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб, унинг доирасида инвестиция сиёсатининг иқтисодийнинг устувор тармоқларида энг самарали техноло-

гия ва фанни талаб қилувчи лойиҳаларни ишлаб чиқишга йўналтирилиши таъминланади.

Бандлик имкониятларини кенгайтиришнинг энг муҳим шарти тадбиркорликни барқарор ривожлантириш учун қулай муҳит яратишдир. Шу билан бирга, солиқ имтиёзларининг мослашувчан механизмини қўллаш билан биргаликда консалтинг хизматларини кўрсатиш орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибасини мослаштириш мақсадга мувофиқ. Инвестиция лойиҳаларини мақсадли ва имтиёзли кредитлашнинг ташкилий, молиявий ҳамда иқтисодий механизмларини фаоллаштириш, янги иш ўринларини яратиш учун субсидиялар тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш, янги корхоналар ва иш ўринлари ташкил этиш, ишсизларни, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини иш билан таъминлаш учун субсидиялар ажратиш, шу жумладан, ҳудудий субсидиялар бериш, бизнес-инкубаторларни яратиш мақсадга мувофиқ.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 28 апрелдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонуни.
2. Абдурахманова Г.К. Инсон ресурсларини бошқариш. Дарслик. – Т.: Фан, 2021. – 692 бет.
3. Холмуминов Ш.Р. Совершенствование планирования трудовых ресурсов АПК региона. – Т.: Мехнат, 1989. – 157 с.
4. Котляр А.Э., Трубин В.В. Проблемы регулирования перераспределения рабочей силы. – М.: Экономика, 1978. – 168 с.
5. Павленков В.А. Рынок труда. Занятость. Безработица. Учеб. для студентов вузов, обучающихся по специальности 060200-“Экономика труда”.
6. Тарасова Н. Трудовые отношения в условиях глобализации и технологической революции (опыт стран запада). // Общество и экономика. – М., 2000. № 1. С. 67.
7. Холмуминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технологиялар, 2016. 150-155-б.
8. Миролимов М.М. “Минтақа меҳнат бозорининг статистик тадқиқотини такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат.
9. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик. – Т.: Фан, 2019 йил. – 598 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий сайти. <https://Stat.uz>.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Статистика агентлигининг Тошкент вилояти бошқармаси расмий сайти. <https://Toshvilstat.uz>.
12. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги расмий сайти ва йиллик тўпламлари. <https://mehnat/uz>.



 [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss6/a14](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a14)

## АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ

**Усманов Баходир Бахтиёрович**  
“UzAssets” АЖ Йиғма ахборот-таҳлил  
ва фаолиятни қўллаб-қувватлаш  
бошқармаси бошлиғи

**Аннотация.** Мақолада аҳоли турмуш фаровонлигининг илғор хорижий тажрибалари ўрганилган. Жумладан, Хитой, Германия ва Туркия каби етакчи иқтисодий мамлакатларининг тажрибалари ўрганилган ва ривожланиш тенденциялари таҳлил этилган. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда илғор тажрибалар асосида тизимли такомиллаштиришга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ҳаёт фаровонлиги, инсон капитали, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ёрдам пакети.